БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 261 (3762)
17 ЖУМА
НОЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга — партиявий ғамхўрлик

Тошкент шаҳар партия комитетининг XV пленумидан

Кеча Тошкент шаҳар партия комитетининг XV пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорлари асосида корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта қуроллантириш асосида иш самарадорлиги ва сифатини ошириш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Пленумни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев очди. Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин доклад қилди.

Муҳокама этилаётган масала, деб таъкидлади у, пойтахт партия ташкилоти, барча меҳнатчилари ишида катта аҳамиятга эгадир. Тошкентда йирик саноат ишлаб чиқариш потенциали мавжуд. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан тўлароқ фойдаланиш ва уларни жиҳозлаб бориш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда. Саноатда капитал қурилиш ҳажми ўсмоқда. Деярли барча соҳаларда ишлаб чиқариш қувватлари ортди. Ҳозир шаҳрнинг 130 корхонаси план асосида реконструкция қилинмоқда. Сўнгги етти йил ичида ана шу ҳисобга ишлаб чиқариш ҳажми 500 миллион сўмлик ошди. Пахта териш машиналари ишлаб чиқариш 2 марта, компрессорлар 3,3, кўприк кранлари ва экскаваторлар 1,5, тракторлар 1,2, йиғма темир-бетон буюмлари 1,3, тикувчилик ва трикотаж буюмлари 1,5 ҳисса кўпайди.

Қувватларни ошириш ишлари ишлаб чиқариш фондлари структурасидаги чуқур сифат ўзгаришлари билан қўшиб олиб борилмоқда. Бу эса қисқа вақт ичида 5 мингдан зиёд янги замонавий машиналар, ускуна, аппарат, автоматлаштириш воситалари, юқори сифатли кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди. Саноат меҳнат коллективларининг илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюролари билан алоқаси мустаҳкамланган натижасида икки йил ичида 2,5 мингдан зиёд илмий-техникавий топшириқлар бажарилди. 1200 автоматик линия, агрегат, рақамли программа билан бошқариладиган станоклар ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Шаҳар ва район партия комитетлари капитал маблағлардан ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш масалаларини доимо назорат остига олмоқдалар. Капитал маблағларни концентрациялаш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, янги қувватларни ишга солиш ва ўзлаштиришни тезлаштириш, йўли қатъийлик билан олиб борилмоқда. Бу борада «Ташсельмаш», агрегат, «Ўзбексельмаш», «Миконд», Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик, «Тошкент» мебель бирлашмалари, тўқимачилик комбинати, 1-уйсозлик комбинати ва кўплаб бошқа корхоналарнинг партия ташкилотлари катта тажриба тўпланган.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши, резервларни мунтазам қидириб топиш, меҳнаткашлар ижодий ғайрати ва активлигининг ўсиши ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш учун қураш самарадорлигини муттасил оширмоқда. Беш йиллик бошидан буён корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун 514 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш йўли шаҳар партия ташкилоти фаолиятининг ўзагини ташкил этади. Айниқса, социалистик мусобақани янада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Кўпстанокчилик ҳаракати, хизмат зонасини кенгайтириш ва аралаш касбларни ўзлаштириш ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Бунда олимлар, конструкторлар, технологларнинг ижодий планлари катта роль ўйнамоқда. Илмий-техника кенгашлари, меҳнатни илмий ташкил этиш бўлимлари, ихтиročчилик ва рационализаторлик бюролари жамоатчилик асосида ишлайдиган конструкторлик ва технологик бюролар иқтисодий анализ группалари, илмий-техника жамиятлари, маркса-ленинча ўқув ва иқтисодий таълим системасининг амалий самараси тобора ўсиб бормоқда.

Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари коллективларининг ҳар бир участка, цех ва корхонанинг самарали ривожланишидаги ролини ҳар томонлама оширишга интилмоқда. Тажриба шуни кўрсатяптики, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш мобайнида социал-иқтисодий тараққиёт комплекс планлари асосида, лойиҳачилар ва қурувчилар билан узвий алоқада иш олиб бораётган коллективлар айниқса яхши натижаларга эришмоқдалар.

Янги техника асосида ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш бўйича олиб борилаётган ишларда, шу билан бирга, қатор камчилик ва нуқсонлар бор. Экскаватор заводи, «Сувенир» фабрикаси, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, электрон-техника заводи ва бошқа бир қатор корхоналарда ишлаб чиқариш қувватлари белгиланган муддатда ишга туширилмади. «Ташпромстрой» трести, Тошкент тўқимачилик комбинати, «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси, 1-пойафзал фабрикаси, «Ўзбектекстильмаш» бирлашмаси, абразив комбинати ва бошқа бир қатор корхоналарнинг коллективлари реконструкциялар ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш юзасидан социалистик мажбуриятларини бажара олмадилар.

Бу ва бошқа нуқсонлар бир қанча объектларда қурилиш-монтаж ишлари паст савияда ташкил этилгани, планлаштириш, лойиҳалашдаги нуқсонлар оқибатидир. Корхоналарни техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашга сарфлар миқёси тобора ўсиб бораётгани ана шу мақсадга ажратилган ҳар бир сўмга тежамкорлик билан муносабатда бўлишни талаб этади. Капитал маблағлар самарадорлигини оширишнинг йўлларини излаш, план тузувчилар, лойиҳачилар, қурувчилар ва фойдаланувчиларнинг биринчи галдаги вазифасидир. Афсуски, лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатсиз тайёрлаш, ўз вақтида маблағ ажратмаслик, ускуна ва материаллар етказиб бермаслик, ишга тушириш-созлашдаги тартибсизлик ҳоллари учраб турибди. Баъзи завод ва фабрикаларда юқори унумли станоклар, агрегатлар, автоматик линиялар тўла қувват билан ишлатилмаяпти, сменалараро бўш туриб қолиш ҳоллари кўп.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш даражасини кўрсатадиган умумлаштирувчи натижа фонд самарасидир. Бу масалада муайян ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бор. «Ўртоқ» кондитер фабрикасини, «Ташкентхлеб» бирлашмасида, 3-ун заводи ва бошқа корхоналарда ана шуни кўриш мумкин. Бошланғич партия ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг вазифаси бу ишни бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишлар бўйича яхшилашга эришишдан иборат. Энг аввало, меҳнат ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, дастгоҳларнинг тўла қувват билан ишлашига эришиш, сменалар коэффициентини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш, кўпстанокчиликни жорий этиш, кадрлар малакасини ошириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, меҳнаткашлар ижодий ғайратини кенг қулоч ёйдириш керак.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш масалалари билан янада конкретроқ шуғулланишлари, бу ишга коммунистлар ва партиясиз активларни жалб этишлари керак. Ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишлари юзасидан хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотлари секретарларининг ҳисоботларини мунтазам тинглаб бориш керак. Партиявий назорат саноат қурилишига партиявий раҳбарликнинг актив методига айланишига эришиш лозим, ускуналардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги техника ва технологияни жорий этиш бўйича комиссиялар ташкил этиш зарур.

Партия ташкилотларининг вазифаси меҳнат коллективларида ижодий изланиш вазиятини яратиш, бригадалар, участкалар, цех ва корхоналар ўртасида асосий ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланиш, янги қувватларни тезроқ ишга туширish асосида планларни бажариш ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани ривожлантиришдир.

Ростов области меҳнаткашларининг тажрибасини, шу жумладан ростовликларнинг «Ҳар бир станокка — самарадорлик паспорти» ҳаракатини кенг ёйиш зарур. Бундай паспортларда ҳар бир дастгоҳнинг иши қатъий ҳисобга олинади, барча станоклар ёрдамчи ишчиларга бириктилади. Дастгоҳлар сменадан сменага тўхтатмасдан узатилади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш масалаларини ўрганиш ва ҳал қилишга олимлар, маҳаллий Советларнинг комиссиялари, халқ контроли органлари, оммавий-ахборот воситалари, статистика ходимларини жалб этиш керак, ишчи йиғилишларининг, доимий ишлаб чиқариш кенгашлари, рационализатор ва ихтиročчилар, инженер-техник ходимлар шахсий ижодий планларининг ролини ошириш зарур.

Юқорида санаб ўтилган барча масалаларни ҳал қилиш партиявий ишларнинг услуб ва методларини янада такомиллаштиришни, партия ташкилотларининг фаолиятини активлаштиришни, коммунистларнинг етакчилик ролини, раҳбарларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишни талаб этади.

Шаҳар партия ташкилоти, совет ва хўжалик органлари, деди ўз сўзининг охирида К. П. Дудин, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш бўйича ишларни бундан буён ҳам қатъийлик билан такомиллаштирадилар, КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишга ўзларининг ҳиссаларини янада оширади, кўпайтирадилар, деб ишонч билдиришга ижозат этгайсиз.

Пленумда сўзга чиққан Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов, тўқимачилик комбинати директори А. Б. Бурҳонов, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси электр-монтажчиси Л. А. Валетова, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Ф. Н. Нажмиддинов, «Ташпромстрой» трести бошқарувчиси С. Р. Расулов, трактор заводи электрчиси П. Р. Рябхова, «Ўзбекистон» кўн бирлашмаси директори Л. А. Арушанов, «Ўзгипротяжпром» институтининг директори Н. Х. Ҳикматуллаев корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлашни тезлаштириш юзасидан, меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларнинг ишлари тўғрисида гапиришди, нуқсонларга, фойдаланилмаётган имкониятлар ва ишлаб чиқариш резервларига эътиборни қаратиб, беш йиллигининг учинчи йили топшириғи шараф билан бажарилди, деб ишонч билдиришди.

Пленум Тошкент шаҳар XXII ҳисобот-сайлов партия конференциясини чақириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди ва уни шу йилнинг 22 декабрида чақиришга қарор қилди.

Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул этилди.

● ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ МАНБАЛАРИДА

Оҳангарон цемент комбинатида цементни паст температурада синтез қилувчи мамлакатда биринчи установка монтаж қилина бошланди. Олмалиқ «Промтехмонтаж» бошқармасининг коллективи ҳар йили 86 минг тонна клинкер ишлаб чиқаришга мўлжалланган тажриба-саноат машина ускуналари комплексини қурмоқда. Коллектив установкани шу йил охиригача ишга туширмоқчи.

Тошкентдаги «НИИстромпроект» институти лойиҳачиларининг ҳисобларига кўра цементни паст температурада синтез қилиш шу муҳим қурилиш материалини ишлаб чиқаришда ёқилғи ва энергия сарфи салмоғини анча камайтиришга имкон беради. Айни маҳалда асосий машина ускуналарининг иш унуми ошади.

Оҳангарон,
Тошкент области.
(ЎзТАГ мухбири).

«ТАШНИИстр о м проект» институти директорининг ўринбосари Б. И. Нудельман бу хабарни шарҳлайди:

— Мамлакатимизда жуда кўп цемент ишлаб чиқарилаётган бир пайтда клинкер ишлаб чиқаришда шартли ёқилғи солиштирма сарфини бир грамм камайтиришнинг ўзигина халқ хўжалигига кўп миллион сўм маблағни тежаш имконини беради. Шунинг учун ҳам бу иш барча ижрочилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Буни амалга оширишда бизнинг бош институтимиз билан бирга мамлакатнинг йигирмага яқин илмий ташкилотлари ва лойиҳалаш ташкилотлари қатнашмоқда.

Ф. Дзержинский номли Бекобод цемент комбинатида ўтказган тажрибаларимиз муваффақиятли ўтди. Шламга алоҳида химиявий модда — катализатор қўшиш туфайли айланма печлардан клинкер олиш реакцияси паст температурада боради. Кейинчалик бу катализаторлар чиқариб ташланади ва тайёр цементда у бўлмайди. Янги технология бўйича олинган янги маҳсулот одатдаги қурилиш техника хусусиятларини сақлашидан ташқари бир қанча ҳолларда ҳатто яхшиланади. Масалан, паст температура усули билан олинган цементдан қотирилган бетон анча пишиқ бўлади.

1979 йилда янги технология саноат шароитларида кенг кўламда синалади ва пишитилади. (ЎзТАГ).

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «ҚЎРИҚ» АСАРИ ПРОПАГАНДИСТЛАР ВА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

- *Партия ўқуви ва иқтисодий таълим системасида дастлабки машғулотлар бўлиб ўтди*
- *КПСС аграр сиёсати проблемалари муҳокама қилинмоқда*
- *Юксак савияда, ҳаёт билан мустаҳкам алоқада*

Долзарб вазифа

«Узбексельмаш» заводи марксизм-ленинизм асослари мактаби тингловчиларининг дастлабки машғулотида корхона партия комитетининг секретари И. Моисеев сўзга чиқди.

Дастлабки машғулот «Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асари, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми ҳамда пахтакор республикалар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янги техника билан таъминлаш юзасидан корхона коллективининг вазифалари» мавзуига бағишланди.

И. Моисеев Козоғистон қўриқ ерларини ўзлаштирувчиларнинг қаҳрамонона меҳнатидан кўпгина ёркин мисоллар келтирди, Л. И. Брежневнинг китобида ёркин ҳикоя қилинган бундай мисолларни Ўзбекистон пахтакорларининг ўша йиллардаги меҳнат жасорати, шу жумладан Жиззах областининг Зомин районидаги отлиқдаги хўжаликлар пахтакорлари меҳнат зафарлари билан узвий боғлади.

Қўриқни ўзлаштириш Ўзбекистоннинг юксак «оқ олтин» хирмони учун кураш сингари шонли «Ўроқ ва Болға» Иттифоқи билан боғланган қишлоқ ва шаҳар меҳнат коллективларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун курашдаги асосий йўналиши бўлди.

Корхонанинг асосий вазифаси қишлоққа, айниқса шу кунларда 5 миллион 700 минг тонналик «оқ олтин» хирмони учун курашнинг ҳал қилувчи босқичида кўплаб замонавий техника етказиб беришди. Фақат ўн ой ичидагина машинасозлар қишлоққа 2426 кўрак чувиш машинаси юборишди.

Бирлашма таркибидаги «Ташхимсельмаш» ишчилари янги бир агрегатни ўзлаштирдилар. У деҳқонларга ғўзапоя-ларни мумкин қадар тезроқ йиғиштириб олишда, янги ҳосил учун ерларни тайёрлашда ёрдам бермоқда. Дастлабки 350 агрегат пахтакор республикалар колхоз ва совхозларига жўнатилди.

Темирчилик-пресслаш, асбобсозлик цехларидаги бошланғич звено мактабларида, электр цехидаги ўрта звено мактабида, комсомол сиёсий маорифи системасида машғулотлар юқори савияда ўтди. Пропагандистлар М. Кишков, С. Ерохин, В. Драчев ва бошқалар дастлабки машғулот материалини Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китоби билан, КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленумида машинасозлар олдига қўйилган вазифалар билан узвий боғладилар.

Машғулотларнинг муваффақиятли ва самарали ўтишига заводда партия комитети ташаббуси билан ташкил этилган пропагандистлар семинари катта ёрдам берди. Унда 1978—1979 ўқув йилида сиёсий маориф мактаблари раҳбарларининг вазифалари белгилаб берилган эди.

Қаҳрамонона меҳнат намунаси

«Ташсельмаш» заводида партия ва иқтисодий таълим системасидаги дастлабки машғулотда КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленумининг материаллари ўрганилди.

Заводнинг бош металлурги Б. Л. Чекурин йиғув цехида сиёсий маорифнинг ўрта звеноси бўйича марксизм-ленинизм асослари мактабининг биринчи машғулотини ўтказди. Маълумки, ана шу цехнинг бош конвейеридан шу йилнинг ўн ойи мобайнида 7394 пахта териш машинаси туширib олинди. Пропагандист тингловчилар диққат-эътиборини июль Пленуми талаблари асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш масалаларига жалб этди.

Б. Л. Чекурин мамлакатни озиқ-овқат ва саноатни қишлоқ хўжалик хом-ашёси билан кўпроқ таъминлашга эришиш борасидаги асосий муҳим масалалар ҳақида гапириб ўтди. Нотиқ ишонарли мисол тариқасида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Қозоғистон қўриқ ерларини ўзлаштиришда қатнашган кишиларнинг қаҳрамонона меҳнати ёркин ифода этилган «Қўриқ» хотира асарини мисол қилиб кўрсатди.

Корхонадаги партия ва иқтисодий таълимнинг бошқа группаларда ўтказилган машғулотларда ҳам Леонид Ильич Брежневнинг ана шу янги ажойиб асари тўғрисида жуда кўп яхши фикрлар баён қилинди унда коммунистик жамият бунёдкори бўлган совет кишиларининг характери ёркин ифода этилганлиги таъкидланди.

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ — ҲАЁТГА

Геология ва нефть ҳамда газ конларини қидириш институти ходимлари марксча-ленинча ўқув ва иқтисодий таълим системасидаги ўзларининг дастлабки машғулотларида КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асари асосида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Машғулотда сўзга чиққан геология-минералогия фанлари доктори В. А. Кудряков ва геология-минералогия фанлари кандидати В. И. Ситников КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида баён этилган қоидалар ва хулосалар улкан сафарбарлик кучига эга бўлган муҳим ҳужжат эканлигини таъкидладилар. Улар қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашда ўзига хос жанговар программа бўлиб, ишчиларни, колхозчиларни, зиёлиларни, барча меҳнаткашларни ёркин истиқбол билан қуроллантиради.

Қишлоқ хўжалигининг янада юксалиши мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётининг муҳим омили эканлигини ҳисобга олган институт олимлари ўз кучгайратларини илмий-тадқиқотларнинг самарадорлигини янада оширишга, илмий ишларнинг практикага тезроқ жорий этилишига қаратмоқдалар. Жумладан, институт 5 октябрдаёқ беш йилликнинг учинчи йилига олган социалистик мажбуриятини бажарди. Илмий ишларнинг жорий этилишидан олинадиган шартли иқтисодий фойда мажбуриятда белгиланган рақамдан тўрт баравар ошиб кетиб, 7 миллион сўмни ташкил этди. Олимларнинг изланишлари, тадқиқотлари, уларнинг тавсиялари деҳқонлар учун катта аҳамиятга эгадир. Чунки минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё ҳисобланган янги нефть ва газ конларининг очилиши бу — қишлоққа ёрдам, газ конларига томон қурилган янги йўллар, демакдир. Яъни транспорт алокаси яхшиланади, янги ер ости сув манбаларининг очилиши эса янги ерларнинг ўзлаштирилишига қўшилган ҳиссадир.

Пропагандист ва тингловчилар КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, мамлакатимиз барча меҳнаткашларининг туб манфаатларига жавоб беради, деб таъкидладилар. Ана шу ғамхўрликка жавобан биз— олимлар партия режаларини амалга оширишга, илмий-тадқиқотлар самарадорлигини оширишга бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз.



Александр Семёнович Березовнинг «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида дурадгор бўлиб ишлаётганига 17 йил бўлди. Ана шу йиллар давомида Александр Семёнович ҳалол меҳнати, барча топшириқларни сифатли адо этиши билан коллективнинг ҳурматига сазовор бўлди.
Р. Загратдинов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ Ўртоқ Л. И. Брежнев Байкал-Амур темир йўл магистрали қурувчиларини, монтажчиларини, лойиҳачиларини, эксплуатациячилари н и, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларини, қурилишнинг барча қатнашчиларини янги меҳнат мусобақаси — ўнинчи беш йилликнинг уч йили қурилиш-монтаж ишлари планини ва 1978 йилга қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажарганликлари билан чин қалбдан табриклайди.

▲ 15 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бир группа ўртоқларга Ватан мукофотларини топширди.

▲ СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Министрлар Советининг Раиси подполковник Менгисту Хайле Мариам расмий дўстона визит билан 16 ноябрда Москвага келди.

▲ П. С. Рибалко номидаги Ленин орденли Тошкент олий танк командирлари билим юртини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган студентларни қабул қилиш маросими ўтказилди. Бу тадбир халқаро студентлар кунига бағишланди. Учрашув қатнашчилари орасида Ўзбекистон пойтахти олий ўқув юртларида таълим олаётган чет эллик студентлар ҳам бор эди.

Учрашувда Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Давлат политехника институти интернационал дўстлик клубининг ишлари ҳақида унинг президенти, бешинчи курс студенти Улуғбек Маннопов гапириб берди. Республикамизда ҳорижий студентларнинг чуқур билим олишига муносиб ҳисса қўшаётган педагогларга миннатдорчилик сўзлари айтилди. Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг студенти Гиермо Портуондо, Тошкент Давлат университети студенти Муҳаммад Афгар ва бошқалар дўстлик алоқалари студентларнинг олиб бораётган ишлари, Тошкент ўқитувчиларидан миннатдор эканликлари тўғрисида сўзладилар.

●

Шаҳримизнинг тикувчилар маданият саройида чеварлар мамлакатимизнинг таниқли театр ва кино артистн. РСФСРда хизмат кўрсатган артист Петр Вельяминовни кутиб олдилар. Санъаткор томошабинлар билан бўлган учрашувда ўз ижодий йўли ҳақида гапириб берди. Маълумки, пойтахтимиз меҳмони иштирок этган «Соялар чоштохда йўқолади», «Барҳаёт чақириқ», «Маррасиз пойгалар», «Лаззатли аёл», «Чин юрак ҳақида қисса», «Бизнинг хонадонимиз шу ерда» деган картиналар томошабинларнинг ҳурматига сазовор бўлган. Учрашувда ана шу фильмлардан парчалар кўрсатилди.

Бугун

Чилонзор районида 1979 йил ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш олдидан тўрт кун давом этган семинар ўз ишини ниҳоясига етказди. Семинарда райондаги барча корхоналар ва муассасаларнинг юзлаб ходимлари аҳоли рўйхатини ўтказиш юзасидан ҳисоблаш усулларини ўргандилар. Район статистика бошқармасининг ходимлари тингловчиларга аҳолини рўйхатга олиш ва унинг аҳамияти, бу ишни бажариш давомида эътибор бериладиган муҳим жиҳатлар ҳақида гапириб бердилар.

Ҳозир Чилонзор районида аҳолини рўйхатга олиш юзасидан ўн жойда бўлим ташкил этилган. Бу бўлимларда 70 дан зиёд инструктор-назоратчи участкаларга бўлиниб иш олиб бормоқда. Рўйхатга олиш ишларига тайёргарлик кўришда Энгельс номли Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг 400 дан ортиқ студенти ҳам қатнашади.

●

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхоналарида йил бошидан буён тайёрланган маҳсулот 33,5 миллион сўмликдан ошиб кетди. Шундан 2,5 миллион сўмлиги Давлат Сифат белгиси билан ишланган.

Бирлашмада социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлиги натижасида меҳнат унумдорлиги ўсиб бормоқда. Унумдорлик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 процентча ўсди. Ҳозиргача 30 га яқин ишчи беш йиллик топшириғини, юздан ортиқ ишчи эса тўрт йиллик планни бажаришга муяссар бўлди.

Эртага

Ленин районида Улуғбек номли маданият уйининг «Тенгдошлар» вокал-чолғу ансамбли «Сердазтрансстрой» трестининг 209-қурилиш бошқармаси бунёдкорларига маданий хизмат кўрсатади. Маданият масканининг бадиий ҳаваскорлари район корхоналари ва ташкилотларининг коллективларига маданий хизмат кўрсатишни намунали олиб боришмоқда. Ансамблнинг чиқишлари томошабинларга манзур бўлмоқда. Шу йилнинг ўзида корхоналарда 30 марта оталиқ концерти берилди.

●

«Баҳор» ансамблининг концерт залида вокаль-чолғу ансамблларн ва вокалистларининг республика конкурси лауреатларининг якунловчи концерти ўтказилади. Маълумки шу ҳафтада шаҳримизда эстрада санъати бўйича бадиий ҳаваскорлик коллективларининг конкурси ниҳоясига етди. Унда барча областларнинг вакиллари қатнашди. Конкурсларда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройининг «Лола» вокал-чолғу ансамбли голиб чиқди ва шу йилнинг декабрь ойида Ленинградда ўтказиладиган Бутуниттифоқ конкурсида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

КОММУНИСТНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

ТАКЛИФЛАР АСОСИДА

Корхонамиз коммунистлари, бутун коллективи ўнинчи беш йиллик режаларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани ҳар томонлама кучайтирмоқдалар. Корхона партия комитети хўжалик раҳбарларидан тортиб бўлим ва цехларнинг бошлиқларигача — ҳаммадан эммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни бекамикўст бажариш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришни талаб қилмоқда. Геннадий Руденко, Халим Қосимов, В. Гарянинов сингари кўплаб беш йиллик зарбдорлари ўз аҳдларига ваъфо қилмоқдалар. Мусобақа руҳи кундан-кунга кучайиб бормоқда.

Хўш, бундай ютуқларга эришилаётганининг боиси нимада? Партия комитети ягона сериядаги тепловозлар ремонтига ўтиш, кенг миқёсда реконструкция ишлари олиб бориш, 2ТЭ10Л ва 2ТЭ116 серияли замонавий тепловозларни тайёрлашни кескин кўпайтириш билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини қатъий назорат остига олди. Бу ҳақда партия йиғилишларида атрофлича сўз юритилди. Ҳар бир цех партия ташкилотининг, барча коммунистларнинг вазифалари аниқ белгиланиб берилди. Қабул этилган қарор ижроси мунтазам текширилиб борилди.

Қўшни чўян-қуюв цехидаги аҳвол кўпчиликни ташвишга солганда бу масала навбатдаги йиғилишда жиддий муҳокама қилинди. Қуюв сифатини ошириш масаласи бўйича бош металлургнинг ҳисоботи тингланди. Кейинчалик камчиликларга барҳам бериш учун коммунистларнинг топширилган ишга масъулияти кучайтирилди. Эндиликда цехдаги муваффақият кўзни қувонтирмоқда.

Партия ташкилоти учун биринчи даражали ёки иккинчи даражали масалалар йўқ. Уларнинг ҳаммасига бирдек муҳим эътибор берилмоқда. Қарорда белгиланган вазифаларни бажариш учун бутун куч ва имконият сафарбар этилмоқда.

Бизнинг ремонт-комплектлаш цехимизда учта участка бор. Механика, редукторлар ремонти ва тележка участкалари коммунистлари ҳамиша ташаббус кўрсатиб ишлашга интилишяпти. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга қаратилган кўплаб таклифлар киритишяпти.

Яқинда бўлиб ўтган цех партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида М. Гришанин, В. Климов сингари коммунистлар цехда ишни икки сменада ташкил этиш таклифини киритдилар. Чунки бу ерда дастгоҳлар етарли бўлса ҳам ишчи кучи етишмас эди. Бу таклифнинг амалга ошиши ҳозир яхши самара бермоқда. В. Бессонов, А. Мирзаев сингари коммунистларнинг цехни деталлар билан таъминлаш юзасидан киритган таклифлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Цех партия ташкилотининг 7 коммунистдан иборат партия бюроси корхонамиз партия комитети томонидан қўйилган вазифаларни беками-кўст адо этиш учун, энг аввало, коммунистлар активлигига таяниб иш олиб бормоқда. Ҳар бир коммунистнинг иши учун масъулият ҳиссини оширмоқда. Зотан, шу икки тадбир қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Д. ДЕБЕЛИЙ,

Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг ремонт-комплектлаш цехи партия ташкилотининг секретари.



КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

Ўрта Осиё қишлоқ меҳнаткашларига турли хил маҳсулот — трактор двигателлари, қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишда кенг қўлланиладиган гидравлик прессларни қўплаб тайёрлаб бераётган «Узсельхозтехника»ни и г Тошкентдаги тажриба-ремонт механика заводи коллективи ўртасида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, бир беш йилликда икки беш йиллик планларини адо этиш умумхалқ мусобақаси кун сайин авж олмоқда.

Корхона ишчилари орасида ташаббускор илғорлар ҳам қўплаб топилади. Ана шулардан бири куни-кеча СССР Давлат мукофоти лауреатига сазовор бўлган Юсуфжон Маҳмуджонович Коллектив ўртасида унинг издошлари жуда кўп. Завод ишчилари Иван Михайлович Зиков номини ҳам ҳурмат билан тилга олишади. Чунки, бу пешқадам ишчи Ю. Маҳмуджонов сингари корхонада узоқ йиллардан бери баракали меҳнат қилиб келмоқда. Бу давр мобайнида у жуда қўплаб шогирдлар етиштирди, уларга сидқидилдан касб сирларини ўргатди. Ҳозир бу мураббий ишчи трактор двигателларн ремонт қилиш цехида ишлаяпти. Н. М. Зиков моҳир рационализатор ҳамдир. У коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга. Бу илғор ишчи июль ойидан бери ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилиб смена-ойлик топшириқларини 200—220 процентга етказиб адо этмоқда.

СУРАТДА: Н. М. Зиков трактор мотори блокини ремонт қилиш устида.

Қ. Исоқов фотоси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ҳатлар

• *Беш йиллик вахтасида*

МАЖБУРИЯТГА ҚЎШИМЧА


Тўқимачилик комбинатининг комсомол-ёшлар бригадалари коллективлари ВЛКСМнинг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Жумладан, «ВЛКСМ 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида меҳнат қилган 1-тўқув фабрикаси 3-тўқув цехининг Илёс Губайдуллин бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси юксак зафар қўлди. Бу бригада комсомол юбилейига қадар 1 миллион метр сатин ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эди. Аҳдига вафодор коллектив 13 сентябрдаёқ ўз мажбуриятининг устидан чиқди. Шундан сўнг бригада комсомол-ёшлари юбилейгача 50 минг метр газлама ишлаб чиқариш мажбуриятини олишиб, мардона тер тўкдилар. Бу мажбурият ҳам ўз вақтида адо этилди.

Муваффақиятларга эришиш ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Бригада тўқувчилари Светлана Смородина ва Карима Ерматовалар типовой кормадаги 32 та ўрнига 48 та дан дастгоҳни бошқаришиб, юксак кўрсаткичларни қўлга киритишди. Бригада сардори И. Губайдуллин эса комплектдаги станокларнинг техник ҳолати доимо аъло даражада бўлишини таъминлаб, тўқувчиларга кўнгилли ишлашлари учун шарт-шароит яратиб берди.

Меҳнат календарларида 1980 йил ҳисобини муддатидан илгари очган бригада аъзолари ҳозирги кунда ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили дастлабки ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Уларнинг аҳди битта: доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллигигача беш йиллик топшириқни бажаришдир.

М. ИЎЛДОШЕВ,

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.



ҚЎЕШ БОТМОҚДА. Х. Мирзакаримов фотоэтюди.

ЮТО КОНКУРСИ ТО

МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА 1980 ЙИЛ

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛМОҚДА

УСТОЗ ЭҲТИРОМИ

ШОИР ИЖОДИ ҲАҚИДА СЕССИЯ

Куни кеча Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги институтида улкан шоир, моҳир драматург ва теран олим Мақсуд Шайхзоданинг туғилганига 70 йил тўлиши олдидан илмий сессия бўлиб ўтди. Мажлисни институт директори М. Қ. Қўшжонов кириш сўз билан очди. М. Шайхзода поэзиясининг интернационал пафоси ҳақида филология фанлари доктори, профессор Ҳ. И. Ёқубов, М. Шайхзода поэтикаси хусусида филология фанлари доктори С. М. Мамажонов, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси ҳақида филология фанлари доктори Ҳ. Абдусаматов ҳамда М. Шайхзода ва ўзбек адабий танқидчилиги масалалари тўғрисида филология фанлари доктори М. Юнусов докладлар қилдилар.

Сўнг Мақсуд Шайхзоданинг дўстлари ўз хотиралари билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Иззат Султонов «Мирзо Улуғбек» трагедиясининг яратилиш тарихи, Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати А. Ҳайитметов М. Шайхзоданинг навоийшуносликка қўшган катта ҳиссаси, профессор Ж. Шарипов шоирнинг таржимонлиги ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Рамз Бобожон М. Шайхзоданинг ҳаёти ва асарларидаги прототиплар хусусида сўзлаб бердилар.

С. МАМАЖОНОВ.

• *Турли касб эгалари*

«МИЛЛИОНЕР» ҲАЙДОВЧИ

Кароматхон опанинг ҳаётида бугун унутилмас кун. Ҳамкасблари, қадрдонлари моҳир ҳайдовчини пенсияга узатиш тантанасига йиғилдилар. Ўзбек хотин-қизлари орасида биринчи марта трамвай-ҳайдовчи бўлган Қундуз Мусабекованинг шогирди, коммунист К. Самадова йигирма йил трамвай рулини бошқарди.

1-класс ҳайдовчи Кароматхон опа шаҳримиздаги 2-трамвай депосининг «миллионер» ҳайдовчисидир. У мана шу давр мобайнида миллион километр йўлни аварияsиз босиб ўтди. 4 миллион йўловчини кўзлаган манзилига элтиб қўйди. Унинг шарафли меҳнати муносиб тақдирланди. Партия ва ҳукуматимиз унинг кўксига Меҳнат Қизил Байроқ орденини тақиб қўйди. Шу кунларда унинг изидан ўнлаб шогирдлари боряпти.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,

кўп нусхали «Мотор» газетасининг редактори.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ЖАДАЛЛИК БИЛАН

Шаҳримизнинг Фрунзе районида кузги кўчат ўтказиш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Гавҳар, Фарҳод, Муқимий кўчаларида илгаридан тайёрлаб қўйилган чуқурчаларга чинор, терак, ясень, сафора каби манзарали кўчатлар ўтказила бошланди. А. Қаҳҳор, Новополотацкий кўчалари, Космонавтлар проспектида кўчат ўтказишга тайёргарлик ишлари намунали ташкил этилмоқда. Кўчат ўтказиш ойлигида район кўчалари, хиёбон ва боғларига ҳаммаси бўлиб 74 минг тўп кўчат ва яшил тўсиқлар ўтказиш кўзда тутилган. Бу ишда район ободонлаштириш бошқармаси билан бирга кўплаб маҳаллалар, мактаблар ва меҳнат коллективлари ҳам актив иштирок этмоқдалар. Манзарали боғдорчилик совхозидан олиб келинаётган кўчатлар пешма-пеш ташкилотларга тарқатиляпти.

Б. МАҲМУДОВ,
студент.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

ЯХШИ БЎЛАРДИ

Биз Комсомол майдонидаги Октябрь райпишчеторгига қарашли 48-озиқ-овқат магазини хизматчиларидан жуда, жуда мамнунмиз. Бу магазин ҳамшаҳарларимизга эрталаб соат 8 дан кеч соат 11 гача хизмат кўрсатади. Лекин шаҳримизда ана шундай кечки вақтгача харидорлар хизматида бўладиган магазинлар йўқ.

Шаҳримиздаги ҳар бир районда ана шундай навбатчи озиқ-овқат магазинларидан биттасини кеч соат 12 гача аҳоли хизматида бўлишини таъминлаб, у ерда ҳар хил озиқ-овқатлар билан бирга иссиқ нонлар сотиш ташкил қилинса яхши бўларди.

Р. ҚАЮМОВ,
студент.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ТУПРОҚ ЁТҚИЗИЛДИ - Ю, КЕТИЛДИ

Биз 2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонида истиқомат қилувчилар бир нарсадан жуда қийналиб қолдик. У ҳам бўлса 31-уй ёнида йўлкаларни ёзда қазишгани ва у ерга труба ётқизишиб асфальт ётқизишмагани бўлди. 31, 32, 33, 30 ва 35-уйда истиқомат қилувчилар ҳозирги ёғингарчилик кунларида бу ердан ўтишга жуда қийналишмоқда. Аввалги қийинчилигимиз камлик қилгандек ҳозир яна 200 метрча жой лойхонага айланди.

Бу ҳақда бизга хизмат кўрсатувчи 36-ЖЭК раҳбари Н. Бутаковга бир неча марта мурожаат қилдик. Лекин натижа бўлмаётир. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтайликки уйларимиз ҳалигача ишга тушилгани йўқ. Бу ҳақда ҳам ЖЭК дагилар яхши билишади. Лекин ваъдадан нарига ўтишмаётир. Собир Раҳимов район уй-жой бошқармаси раҳбарлари бундай камчиликларга қачон барҳам беришади?

Аҳоли номидан: Қ. АЛИМОВ.

ПИРОЖКИХЎР ҲАЙДОВЧИЛАР

Бу воқеага анчагина бўлиб қолди. Аммо эсда қоладиган ҳодиса бўлгани учун уни кўпчилик билиб қўйса ёмон бўлмас, деган қарорга келдик. 24 октябрь куни кундуз соат 3.30 ларда Ҳадра бекатига 4-маршрут билан қатнайдиган 1154 номерли троллейбус келиб тўхтади. Салонда одам оз экан. Йўловчилар қувониб чиқишди. Ҳайдовчига яқинроқ жойда турган йўловчи С. Мусахўжаева сумкасини титкилаб абонемент тополмади. Ҳайдовчига 10 тийин узатди.

— Мана, — деди ҳайдовчи иккита абонемент узатиб.

Йўловчига аслида битта билет керак эди. Индамай иккита билетни ола қолди. Аммо нима учундир ҳадеб ҳайдовчиларнинг қайтим бермаслиги бу сафар унинг ғашига тегди.

— Қайтимини бермайсизми? — деди ҳайдовчига.

— Қани, абонементни бу ёққа олинг! — деди ҳайдовчи негадир аччиқланиб. У йўловчи қўлидан абонементларни қайтариб олгида. дағдағага ўтди. — Ҳозироқ кассага 40 тийин ташлаб ўнта билет оласиз!

— Нега энди? — деди Мусахўжаева ҳайрон бўлиб.

— Иштарап!

— Нега энди штраф тўлашим керак?

— Мен билан олишганинг учун.

Йўловчининг таъби ҳира бўлиб. Марказий телеграф бекатида салондан тушиб кетишга мажбур бўлди.

Бироздан кейин 8-маршрут билан қатнайдиган 3069 номерли яна бир троллейбус келди.

Мусахўжаева тағин 10 тийин узатиб абонемент сўради. Қизиқ, ҳайдовчилар никабдордан чиққан жўжадек бир-биридан фарқ қилмасди. Буниси ҳам иккита абонемент бериб ғўдайиб тураверди. Мусахўжаева принцип учун қайтим сўради.

— 2 тийин билан бой бўлиб кетасанми? Мана! — Ҳайдовчи худди гадойга садақа узатаётгандек унга икки тийинни улоқтирди. — Билиб қўй, бу ер пирожки сотадиган дўкон эмас! Бунинг отини техника деб қўйибди.

«Техникани шунчалик яхши тушунадиган ҳайдовчилар йўловчилардан икки тийиндан йиғиб пирожки еб юрган бўлса қандай ҳазм қилаётган экан» деб сўрабди, газетхон С. Мусахўжаева. Буниси энди Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг раҳбарлари суриштириб кўришади. Ўша куни линияда ишлаган ҳайдовчилар орқадан ўтган вақт мобайнида қанча ҳаром пирожки ейишганини аниқлаш қийин бўлмаса керак.

РАНГИ ЎЧГАН ТЕЛЕВИЗОР

Абдуахат рангли телевизор олганида уйида байрам бўлиб кетди.

— Ура! Футболни маза қилиб кўрамиз!

— Фигурний катанияни айтмайсизми?

— «Весна - 711» рангли телевизори уларнинг ишончини оқлади. Бир йил мобайнида жуда яхши кўрсатиб турди. Фақат шу йил 10 октябрга келиб экрани ўзидан-ўзи қисқариб қолди. Абдуахат Фрунзе район савдо мажмуи яқинидаги «Цвет» рангли телевизорлар ателъесига мурожаат қилди. 18 октябрь куни уларнинг уйига уста келди.

— Бўлмайди, — деди бошини чайқаб.

— Нима бўлмайди?

— Устахонага оборсангиз бўлмайди. Касали кўп.

Абдуахат телевизорининг касалини тузатиш учун худди ўша ателъега олиб борди.

— 28 октябрь куни телевизорингиз «как штик» тайёр бўлади, — дейишди.

Абдуахат худди ўша куни «как штик» етиб келди. Аммо телевизор ҳали тузалмаган экан.

— 4 ноябрь куни келасиз.

Абдуахат худди ўша куни келди.

— Эртага — 5 ноябрь куни келасиз. Байрам парадини маза қилиб кўрасиз.

Бу сафар Абдуахат пишиб қолган эди.

—Худди шу гапни ўзингиз берган квитанциянинг орқасига ёзиб қўйинг, — деди.

Усталар дарҳол квитанция орқасига «телевизор 5 ноябрь куни тузалади» деб ёзиб қўйишди.

Эртасига мўлжалланган вақтда келиб қабул қилувчи йигит Остроуковга учрашди. Остроуков қўлидаги

Ҳамкасбимиз, кўнглингиз

каттакон журнални мириқиб варақлади.

— Телевизорингизни устага бугун ўтказдик. Эртага келасиз, деди у.

Абдуахат норозилик билдирган эди кабул қилувчи йигитнинг асаби ёмон экан, бақириб берди.

Абдуахат ателье мудири Швецни қидириб топди. Ҳамма воқеани айтиб берди.

— Бўпти, эртага телевизорингиз тайёр бўлади. — деди Швец ҳам ўйлаб ўтирмай.

—Мана шу квитанциянинг орқасига ўз қўлингиз билан ёзиб берсангиз.

— Унақада 9 ноябрда келасан.

— Бўлмаса шикоят дафтарини бериng.

— Мен сенга шикоят дафтарини кўрсатиб қўяман! Қани хонани бўшатиб қўй.

Кўрдик устига зўрлик деб шуни айтишади. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Абдуахат Юсупов ўз ҳақини талаб қилгани учун ателье ходимларига ёқмаган бўлиши мумкин. Аммо «Цвет» устахонасининг ходимлари «ончадан-ончача кишиларга ёқмаётганини ўйлашмапти. Тошкент шаҳар «Заигори экран» бирлашмасининг раҳбарлари бу ателье ходимларининг қулоғидан чўзиб қўймаса одамларнинг телевизоригина эмас, ўзининг ҳам ранги ўчиб кетадиганга ўхшайди.

ҲУШЁРБЕК.

✦ РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

НЕГА РАНЖИТИШАДИ?

Биз истиқомат қилаётган Собир Раҳимов районидаги «Янги ҳаёт» маҳалласига 19-алоқа бўлими ҳизмат кўрсатади. Аммо бу алоқа бўлими почтальонлари бирон марта ҳам газета-журналларни обуначиларга вақтида етказиб берганини эслай олмаймиз. Фединченко кўчасидаги 22, 24, 26, 28 ва бошқа уйлардаги обуначилар 27 октябрдан 31 октябрга қадар бирорта ҳам газета олишгани йўқ. Алоқа бўлими раҳбарлари эса почтачи етишмайди, деб баҳона қилишади. Хўш, бу аҳвол қачонгача давом этади?

Биз шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш Бош бошқармаси раҳбарларидан бунга жавоб кутамиз.

М. МАҲМУДОВ,

«Янги ҳаёт» маҳалла комитетининг раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

РЕМОНТГА МУҲТОЖ РЕМОНТ


Чилонзорнинг 24-кварталидаги биз истиқомат қилаётган 2-уйнинг 42-квартирасига юқори қаватдан сув томиб тинчимизни бузяпти. Бу ҳақда 25-ЖЭК ходимларига айтавериб чарчадик. Улар шу уйдаги 44-квартира ремонти вақтида ёрилган қувурларни алмаштиришни бир ярим ойдан буён пайсалга солиб келишяпти.

Томчи-томчи бўлиб тушаётган сув эса деворни ишдан чиқариб, ошхонамизни сувга тўлдиряпти.

Хўш, бу аҳвол қачонгача давом этади? Агар ЖЭК ходимлари ўзларининг ремонтчилари томонидан ёрилган қувурни алмаштиришни тезлаштирмаса, бизнинг квартирамиз ҳам жиддий ремонтга муҳтож бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ш. ЭШЖОНОВА,

кўл болали она.



КИМ АЙБДОР?

Яқинда шаҳримизнинг энг йирик магистралларидан бири Навоий кўчасининг «Пахтакор» метро станциясига яқин қисмида пиёдалар учун иккита қўшимча ўтиш йўлкаси ташкил қилинди. Лекин бу қулайликни хавфдан холи деб бўлмайди. Чунки ўтиш йўлкалари кўча четидаги яшил тўсиқларга келиб такалади. (Суратга қаранг).

Тимирязев кўчасининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ётоқхонаси қаршисида ҳам худди шундай боши берк ўтиш йўлкаси мавжуд.

Буни ким тузатиши керак?

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

Автор фотоси.

✦ ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

БРИГАДИР НЕГА ХУНОБ?

Бригадир бугун яна хуноб. У қурилиш объекти ёнидаги автомат телефондан дилида ёд бўлиб кетган номерни терди.

— Алло, алло... Бу бошқарма бошлиғи Аватолий Андреевич Аҳмадулинми? Мен бригадир Сергей Зинчук — яна кечаги иш юзасидан... Ҳа, қориш-ма, ғишт пойлаб ўтирибмиз. Йўқ тахта керак эмас! Нима, алло... сабр қилинглар деяпсизми, ахир қачонгача, —а?

Алоқа узилди. Бригадир хомуш бўлиб хаёлга толди: «Бир ҳафтадан бери йигитларим бекор ўтиришибди. Шундай ганимат кунларда қурилиш материалларини ўлдариб ўтирибмиз. Йўқ, бу ишга бир чора топиш керак!»

Ана шундан кейин бригадир Сергей Зинчук ўзининг ишчан характери, ташкилотчилик қобилияти билан ажралиб турадиган бригадасини ишга солди. Лоақол кўтариш кранини кўтармасдигидаги ишламайди-я!

Тошкент тарихидан

100 лавҳа

„ЗАНГОРИ КЕМА“ ҲАҚИДА

3-ЛАВҲА

терилади.

Лекин республикада асосан қўл билан пахта териш ҳукмронлик қилар эди. 1953 йилда, масалан ўрта ҳисобда ҳар бир пахта териш машинаси (ўша пайтда республика пахта майдонида 9 мингга яқин машина ишлаган) бир мавсумда ўртача 12,1 тонна пахта терган. Таққослаш учун: орадан ўн йил ўтгач Турсуной Охунова эндигина яратилган тўрт қаторли «4ХВ» маркали пахта териш машинасини синаб кўриб, атиги олти соат давомида 10 тонна «оқ олтин» терган. 50-йилларда машинада пахта терими бирмунча жонлана бошлади. Уни тадбиқ этиш йўлида турли тўсиқлар ҳам бўлди. Айрим колхозлар, МТСларнинг раҳбарлари янги машиналарнинг аҳамиятига етарли баҳо бермади. Фан арбобларининг орасида ҳам пахта теришда машиналарни кенг қўллашга қарши чиққанлар бўлди. Уларнинг фикрича машина далани, пахтанинг сифатини бузар эмиш, бир сўз билан айтганда, фойдасидан кўра зарари кўпмиш...

Конструкторлар ўша пайтларда янада такомиллашган, янада унумдор машиналарнинг моделларини яратиш устидаги ишларни изчиллик билан давом эттирдилар. Совет пахта териш техникасининг яратилишида икки қаторли «СХС—1,4» маркали пахта териш машинасининг пайдо бўлиши катта воқеа бўлди. «Ташсельмаш» заводи 1954 йилнинг августида бундай машинанинг дастлабки бештасини ишлаб чиқарди. Унинг асосий кўриниши ҳозирги «зангори кема»ларимизга ўхшаб кетади. Терим агрегатлари ва бошқариш майдончаси олдинга, двигатели ва бункери эса қопнинг орқасига ўрнатилган эди. Машиналарнинг бундай тузилиши ҳайдовчига теришнинг боришини кузатиш учун ҳар томонлама қулай эди. Бу схема кейинчалик барча пахта териш машиналари учун ишлатила бошланди.

«Ташсельмаш» заводида ана шу серунум машиналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш муносабати билан республика далаларида «зангори кема»ларга бўлган қизиқиш кўпайиб кетди. Агарда 1958 йилда машиналар билан бор йўғи 62 минг тонна пахта терилган бўлса, 1963 йилга келиб 578 минг, 1966 йилда 1 миллион 330 минг тонна «оқ олтин» териб олинди.

Газеталарнинг бугунги сонларини кузатиб борар эканман, пахта далаларидан олинаётган маълумотларни қизиқиш билан ўқиб чиқаман. Пахтакорларимиз ҳозиргача 3 миллион тоннадан зиёд ҳосилни машиналар ёрдами билан теримга олишди. Ҳа, чиндан ҳам ҳозирги машиналаримиз ўзининг ўтмишдошларига қараганда роппа-роса бақувват ва унумлидир. Машҳур механизатор Турсунойнинг ўзи дастлабки икки қаторли машинасида қанча уринмасин бир мавсумда 200— 300 тонна пахтани теролмас эди. Бугунги кунда тажрибали механизаторлар эмас, балки машина штурвалига энди-гина ўтираётган ёшлар ана шу марра-ни кўзламоқдалар. Маҳоратли ва тажрибали механизаторлар Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозининг механизатори Абдумутал Қаюмов, ёки Сурхондарё областидаги Будённий номли совхознинг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, Давлат мукофоти лауреати Ҳолмўмин Сафаровларнинг ҳиммати баланд. Улар комбайнларнинг бункеридан 500 тонналаб пахта тўкишди.

Пахтакорларимизнинг даладаги меҳнат ғалабаси қишлоқ учун техника яратаётган корхоналарнинг коллективига ҳам боғлиқ. Яқинда бош конвейердан «зангори кема»лар тушириб олинаётган «Ташсельмаш» заводида бўлдим. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон далаларида 30 минг пахта териш комбайни ишлаб турибди. Бошқа пахтакор республикаларда ҳам машиналарнинг сони етарли. Машиналарнинг ана шу армияси — пойтахт корхонасининг маҳсулоти. Тошкент ишчилар синфининг умумхалқ ҳашарига кўшаётган ҳиссасидир. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия бу ҳақда ўзининг қалб туйғуларини қуйидагича ифода этган:

Далани денгизга таққос этган чоқ,
Балки билмаганмиз денгиз кенглигин
Мана дала уфқи уфқдан йироқ,
Билдик шу тоғ бирла энди тенглигин!
Чамалай билмайман унинг сатҳини,
Бир карвон «зангори кема»лар ишда
Ҳар бири бир дунё олтин пахтани
Хирмонга тўкар бир шўпиғиб чиқишда.

Бу ерда пахта териш техникасининг ҳозирги кунини кўрдим, эртанги истиқболига назар ташладим. Мана «ХВА— 1,2 П» маркали пахта териш машинаси. У пахтани табақалаб теришга мўлжалланган. Унинг ёнида пахтанинг нозик нави— ингичка толали пахта терадиган бошқа комбайн турибди. Конструкторлар изланишни давом эттирмоқдалар. Тошкент трактор заводида МТЗ—80Х кучли тракторини оммавий ишлаб чиқариш пахта даласи учун янги механизмларни ишлаб чиқишни бошлаш имконини берди. Бу тўқилган пахтани пневматик терадиган, пахтани бункерга гидравлик усулда шиббалайдиган ва кўрак териш учун қурилмаси бўлган машинадир... Бу комбайн ғоятда такомиллашган бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам пахта тераверади.

Булар яқин орада рўёбга чиқадиган орзулар. Пахта терими қизғин бораётган шу кунларда газеталарда босилаётган маълумотларни қизиқиш билан кузатиб борямиз. Ҳозиргача республиканинг катта хирмони 5.150 минг тоннадан ошди. Ҳосилнинг жуда катта қисми машиналар билан териб олинмоқда.

Александр ТЮРИКОВ.

Турсуной Охунова билан учрашиш шарафига муяссар бўлолмадим. Пахта териш машинасининг рулига ўтирган ана шу биринчи ўзбек аёли ҳақида газеталарда кўп ўқиганман. Суратларини кўрганман, радиодан, телевизор экранидан сўзларини эшитганман... Унинг афсонавий тақдири бошланган ўша колхозда ҳам бўлганман... Лекин у билан шахсан учрашмаганман. Шундай бўлса ҳам унинг таржимаи ҳолини яхши биламан. Оддий ўзбек қизининг таржимаи ҳоли, ўзининг меҳнат ҳаётини пахта даласида бошлаган тенгдош дугоналаридан фарқ қилмайди.

Унинг бу орзуси рўёбга чиқунича кўп машаққат чекишга тўғри келди. Қиз бола, албатта, йигит эмаски, унга мураккаб машинани ишониб топшириш мумкин бўлса? Ахир қиз бола машинанинг рулини қандай қилиб бура қолсин! Айрим раҳбарлар ана шундай фикрга бориб, трактори ҳайдаш аёл кишининг иши эмас, деб ҳисоблашарди... Турсуной ана шу аччиқ гапларни хаёлидан бирма-бир ўтказди. Машинани ҳар бир майда винтигача синчиклаб ўргана бошлади, секин-аста машина ҳайдашни, энг асосийси унда пахта теришни ўргана бошлади. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ишаётган ва меҳнат қилаётган Киров номли колхозга республиканинг турли бурчакларидан унинг юзлаб издошлари бориб туришади. Машҳур механизаторнинг муносиб ворислари бугунги кунда пахта териш машиналарининг штурвалларини чапдастлик билан бошқаришмоқда. Умумий хирмонга салмоқли ҳисса қўшишмоқда.

«Зангори кема» тарихи ҳақида гапиришдан аввал Турсуной эсга олганлигимиз бойси бор. Пахта териш машинасининг рулига биринчи бўлиб ўтирган ана шу қизнинг тақдири бундан ўн йилларча муқаддам республика далаларида пайдо бўлган пахта териш машиналарининг оммалашиб кетиши билан чамбарчас боғланган. Дастлабки йилларда айрим мутахассислар пахта теримида техникани қўллашдан бош тортишган бўлса, кейинчалик унинг самарасини яхши тушуниб қолишди. Натижада йил сайин такомиллашиб борган «зангори кема»ларнинг янги-янги моделлари пахтакорларнинг чинакам мададкори бўлиб қолди.

Бугунги кунда пахта майдонини эгат оралаб бораётган пахта териш машиналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахир бундан роса 40 йил муқаддам бундай чинакам машиналарнинг ўзи йўқ эди. Ўша пайтларда майин, бегубор пахта қўпол, механик «қўл»ларни ёқтирмайди, деган фикр бор эди.

Тўғри, урушга қадар теримчининг огир меҳнатини қандай бўлмасин механизациялаштиришга уриниш бўлган эди. Газеталарнинг саргайган саҳифаларини варақлаб туриб суратлардан бирига кўзим тушиб қолди: пахта даласида ранец орқалаган, қўлида шланг ушлаган одам боряпти. Республика далаларида синаб кўрилган пневматик терим агрегати пилесос тузилишида яратилган эди. 1932 йилда газеталар қуйидаги хабарларни босиб чиқаришди.

«СредазВИМ»нинг Қаунчидаги станциясида «Ташсельмаш» заводида тайёрланган дастлабки пневматик пахта териш машинасининг намунаси синаб кўрилди. Машинанинг ўнта шланги бўлиб, у завод ва «СредазВИМ»нинг бирлашган конструкцияси асосида тайёрланди.

Дастлабки пайтда ишлаб чиқарилган «ХВШН— 2» пахта териш машинасининг асосий ишлаш принциплари ҳозирги «зангори кема»ларимизнинг яратилишига асос бўлди. Унинг биринчи намунаси 1948 йилнинг 9 августида «Ташсельмаш» заводида тайёрланган. Орадан бир йил ўтгандан кейин ана шу корхонада «СХМ—48» маркали машина оммавий ишлаб чиқарилиб, кенг қўлланила бошланди. Ана шу машина ўша даврда унчалик такомиллашган бўлмаса ҳам кўпгина хўжаликлар уни кенг ишлата бошлашди. Бу машина бир қатордаги пахтани терар, унинг шпиндели тез-тез ифлосланиб қолар эди. 1954 йилда «Правда Востока» газетаси бу ҳақда қуйидагиларни ёзиб чиқарди.

«...СХМ—48» ва СХМ— 48М» маркали пахта териш машиналарини колхозлар ва совхозларда кенг қўллашнинг тўрт йиллик тажрибаси шуни кўрсатдики, ана шу замонавий пахта териш машиналари моҳир қўлларда икки ва икки ярим марта меҳнат унумдорлигини оширади. Оддий хўжаликларда бир машина билан 60-70-80 ва ундан зиёд тонна пахта

ФАН ОЛАМИДА

ТЕРМОЯДРОВИЙ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР САРИ

«Токамак» установкаларида эксперимент олиб бораётган физиклар юз миллион градус температура ҳосил қилишга интилмоқдалар. Юлдузлар, Қуёш қаърида ўтувчи термоядровий, реакцияни вужудга келтериш учун шундай исиқлик керакки бунда жуда кўп миқдор энергия ажралади. Шундан кейингина улкан термоядровий электр станциялар қурила бошланади ва улар инсонни-ятга битмас-туганмас энергия манбаи беради.

Термоядровий синтезни эгаллаш йўлида турган жуда катта қийинчиликлар халқаро ҳамкорлик янада қалинроқ бўлишини тақозо этади. Шу муносабат билан совет олимлари «Токамак» типида катта халқаро экспериментал реактор яратилганлиги тўғрисида халқаро атом энергияси агентлигига таклиф киритдилар. Турли мамлакатларнинг илмий ва техникавий потенциалларини бирлаштириш тадқиқотларнинг суръатларини жадаллаштиради, термоядровий электр станцияларни жаҳон энергетика балансига тезроқ киритишга ёрдам беради. Халқаро агентлик Совет Иттифоқи таклифини қўллаб-қувватлади. Халқаро «Токамак»ни лойиҳалловчи мутахассислар ишчи группаси тузилди. СССР, АҚШ, Евратом мамлакатлари ва Япония вакиллари унинг составига киришди.

Термоядровий синтезни бошқариш совет программасининг илмий раҳбари академик Б. Б. Кадомцев янгиликни шарҳлаб бундай деди: «Мамлакатимизнинг бу янги ташаббуси инсониятнинг фаровонлиги йўлида энергетика проблемаларини муваффақиятли ҳал этишга қаратилган. Бошқариладиган термоядровий синтез соҳасидаги ишлар бизда ва чет элларда бошланганига 30 йилдан ошиб кетганлигини эслатиб ўтай. Совет олимлари ишлаб чиққан «Токамак» типидаги установка ҳозирги вақтда энг истиқболли установка ҳисобланади. Ҳозир дунёдаги лабораторияларда элликка яқин шу типдаги машиналар ишлаб турибди.

Чоғроқ «Токамак»ларда дейтерик плазмаси (қизитилган газ)ни қиздириш ва уни ушлаб туриш методлари пишиқтирилди. Термоядровий реакция ана шу плазмадан ўтиши керак. Тадқиқотларнинг бундан кейинги босқичи тобора каттароқ установкаларга ўтишни тақозо қилади. АҚШда, Японияда шундай реакторлар қурилаяпти. Бизнинг мамлакатимизда ғоят ўтказувчан магнит чулғамли катта «Токамак—10—М» установкаси қурилади.

Турли мамлакатларда тахминан бир хилдаги қимматбаҳо установкалар қуришнинг зарурати бормикан? Шундай бўлмаса керак. Куч-қувватлар бирлаштирилса, мақсадга эришишга кетадиган вақтни ва унинг қийматини қисқартириш, термоядрочи физикларни тезроқ умумий мақсадга яқинлаштириш мумкин.

СССР, АҚШ, Евратом мамлакатлари ва Япония вакиллари халқаро экспериментал реакторнинг асосий лойиҳачилари бўлади, деб тахмин қилинмоқда. Бундай реактор ишга туширилгач, бошқариладиган термоядровий синтез борасидаги тадқиқотларнинг ғоят муҳим босқичи бошланади. Унда энергия ажралиши билан бориладиган тўлиқ кўламдаги термоядровий реакция ҳосил қилиш мумкин бўлади ва бу энергиядан электр ҳосил қилишда фойдаланилади.

Янги «Токамак» — тажриба-технологик установка бўлиб, у бошқариладиган термоядровий реакциядан энергия олиш инженер-техникавий имкониятини намойиш қилмоғи лозим. Биз бу ерда соф илмий ишлардан технологик ва конструкторлик проблемаларини ҳал қилишга ўтамиз. Саноат термоядровий реакторларини ясаш вазифаларига, бундай реакторларнинг ишидаги технологик нозик томонларига, материал танлашга, нурланиш, юксак температура ва бошқа омиллар таъсирида шу материал хоссаларининг ўзгариш вазифаларига асосий эътиборни қаратамиз.

Шу ой охири Венада халқаро лойиҳачилар группасининг биринчи мажлиси бўлади. Халқаро экспериментал реакторни ишлаб чиқиш ва қуришга тахминан етти йил керак бўлади,—деди пировардида Б. Б. Кадомцев.

Совет Иттифоқи, бошқа тинчликсевар мамлакатларнинг куч-ғайратлари халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган бўлиб, фантехника тараққиётининг етакчи тармоқларидан бирида физиклар биргалашиб ишлаши учун замин яратади.

Р. АҲМЕТОВ,
ТАСС мухбири.



Куни неча Собир Раҳимов районидаги «Янги Тошкент» маҳалласида 250 ўринли янги клуб ишга тушди. Клубнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг район паспорт бўлимининг бошлиғи Ф. Хабибулина шу маҳаллада истиқомат қилувчилардан бир группасига янги Совет паспортларини топширди.

СУРАТДА: Ф. Хабибулина кекса пенсионер Раззоқ ота Эгамбердиевга паспорт топширмоқда.

Н. Ҳолиқов фотоси.

«РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ» МОНОГРАФИЯСИ

«Ривожланган социализм» монографияси босилиб чиқди. Китоб ривожланган социализмнинг асосий хусусиятлари ва қонуниятларини, совет жамияти олға ҳаракатининг КПСС XXV съезди ҳужжатлари ва материалларида, СССРнинг янги Конституциясида ўртага қўйилган энг муҳим проблемаларига бағишланади. Жумладан, фан-техника революцияси ютуқларини социалистик хўжалик системасининг афзалликлари билан боғлаш, жамият социал-синфий структурасининг ўзгариши, етук социализм шароитида сиёсий системанинг ривожланиш тенденциялари, янги нишнинг камол топтириш йўллари каби масалалар таҳлил этилади.

Монография пропагандистлар, муаллимларга, шунингдек партия ходимлари ва илмий ходимларга мўлжалланган.

Китобни сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

• *Саломатлик посбонлигида*

ТЎҚИМАЧИЛАР УЧУН ШИФОХОНА

Бухоро ип-газлама комбинатининг янги касалхонаси биринчи беморларни қабул қилди. Бу ерда хирургия, гинекология ва травмотология бўлимлари бор.

Ҳозирги вақтда тўқимачилар шифохонасида уч юз ўринли стационар, бир кунда 500 беморни қабул қиладиган поликлиника, турли хил клиник лабораториялар ҳамда даволаш хоналари бор.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ШИФОХОНА

Гулистонда янги ихтисослаштирилган даволаш муассасаси — оналар ва болалар касалхонаси очилди. Касалхона 66 кишига мўлжалланган. Унда яхши жиҳозланган даволаш ва процедура хоналари, кенг ошхона, болалар ўйинлари учун махсус хоналар бор. Қичқинтойлар ва оналарнинг саломатлигини юқори малакали медицина ходимлари текшириб турадилар.

(ЎзТАГ).

ҚЎРИҚ ЕР ТУПРОҚЛАРИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

Қозоғистон Фанлар академиясининг олимлари республика чўлларининг ер ресурслари энциклопедияси устида иш-ларини ниҳоясига етказдилар. Бу — Урал билан Иртиш ўртасидаги жуда катта ўлканинг тупроқ хариталари, шунингдек ҳар бир қўриқ областларининг ер тўла таърифлаб берилган бир турлум монографиялардан иборатдир.

Бу иш очилган қўриқлаб чиқаришини янада юксалтириш учун катта амалий аҳамиятга эгадир. Жумладан, ўн миллион гектардаги шўрхок ерларни яхшилашнинг самарали системаси таклиф қилинди. Бу ерларда озуқа экинлари етиштирилиб мол боқилади. Бундан ташқари шўрхок ерлардан амалда фойдаланиш хўжаликларнинг бугдой экиш учун кўпроқ унумли ерларни ажратишларига имкон беради.

Қўриқ ер тупроқларининг энциклопедияси суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. Қўриқ массивлар тупроғининг состави ва структураси хусусиятларини комплекс ҳисобга олиш асосида бу массивларнинг ҳар бири учун энг мақбул суғориш режими белгиланади.

(ТАСС).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Социализм мамлакатларида

ҲАР КУНИ 500 МИНГ ЙЎЛОВЧИ

ПРАГА. Прага метрополитени суткасига 500 минг пассажир ташийдиган бўлиб қолди. Прагаликлар. пойтахтнинг кўпдан-кўп меҳмонлари ер ости экспрессларининг шинам ва қулайлигига, станциялар ҳамда ўтиш жойларининг ички кўриниши архитектура жиҳатидан мукаммал эканлигига муносиб баҳо бердилар.

Метро Влтава бўйидаги миллионли шаҳар кундалик ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Ҳар куни Прага аҳолисининг қарийб ярмисини қабул қилаётган пойтахт метрополитенининг ўзига хос хусусияти — унинг шуҳталигидир.

ЭРДЭНЭТ ҚАДДИНИ РОСТЛАМОҚДА

УЛАН-БАТОР. Эрдэнэт шаҳрида 35-мингинчи киши қайд этилди. Бу шаҳарда монгол ва совет қурувчиларининг бригаликдаги меҳнати билан Осиёда энг катта кон-саралаш мис-молибден комбинати барпо этилмоқда. Атиги беш йил муқаддам чорвадорларнинг бир нечтагина манзилгоҳи бўлган жойда заводлар ва цехлар қад кўтарди. Булар қудратли саноат комплекси ва янги социалистик шаҳар қурилишини цемент, арматура ва бошқа бинокорлик материалларини билан таъминлаб турибди. Эрдэнэтга автомобиль йўли ва темир йўл ётқизилган, юксак вольтли электр линияси тортилган.

«БАЛКАН» ҲАВО ТРАССАЛАРИДА

СОФИЯ. Болгария граждан авиацияси тарихий юбилейини нишонлади. Бундан 30 йил муқаддам —1948 йил ноябрь ойида Болгария — Совет «Табсо» транспорт авиация жамияти ташкил этилган эди. Бу жамият БХРда граждан авиациясини тез ривожлантириш учун асос яратди.

Болгария учувчилари ўтган йиллар мобайнида Африка, Осиё ва Латин Америкасига узоқ трассаларни очдилар. Ҳозирги вақтда «Балкан» эмблемаси бўлган самолётлар 30 дан ортиқ халқаро линияларда парвоз қилмоқдалар.

Республиканинг граждан авиацияси борган сари ривожланмоқда. «Балкан» трассаларида «ТУ-134», «ТУ-154», «ИЛ-62» самолётлари учмоқда. СССРда Болгария учувчилари ва ер ости хизмати ходимлари ўз малакаларини оширмоқдалар. Болгария пойтахти билан Совет Иттифоқининг кўпгина шаҳарлари ўртасида самолётлар қатнамоқда. София — Москва трассаси «Балкан»нинг серқатнов чет эл йўлларидан бири бўлиб қолди.

(ТАСС).

ҲАЛОКАТЛИ ОҚИБАТЛАР

ЛОНДОН. Буюк Британия бош министри Ж. Каллаған мамлакатнинг «Умумий бозор»га аъзо бўлиши Англиянинг иқтисодий ва молиявий аҳволига салбий таъсир ўтказмоқда, деб тан олди. У Лондон лорд-мэри ҳузурида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий зиёфатда сўзлаган нутқида, жумладан «Умумий бозор»нинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатини кескин танқид қилди ва Англия ҳамжамиятига аъзо бўлиб кирган вақтда берилган ваъдаларнинг кўпи шу пайтгача бажарилмай қолмоқда, деб таъкидлади.

Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида, деди Ж. Каллаған, тенгсизлик кучайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун бериладиган ёрдам пулни тақсимлаш сиёсати «Умумий бозор»нинг энг бадавлат аъзоларига энг кўп фойда олиш имконини бермоқда, айни вақтда бошқа мамлакатлар, шу жумладан Англия ҳам зарар кўрмоқда.

Бош министр «Умумий бозор» бюджетига аъзолик бадали тўлаш системасидан ҳам қаттиқ норози эканлигини билдирди. Унинг айтишича, бу система Англиянинг тўлов балансига тобора салбий таъсир ўтказмоқда.

(ТАСС).

КЕСКИН ПРОБЛЕМА

АНҚАРА. Расмий маълумотларга кўра, Туркияда ҳозирги вақтда 2 миллион 750 минг ишсиз бор. Аммо «Байрам» газетасининг таъкидлашича, бу ишсизлар ёнига қисман ишсиз бўлган ва пинҳона ишсизлик билан қамраб олинган яна 5 миллион 250 минг кишини қўшиш лозим.

Истамбулдаги саноат палатаси раҳбарларидан бири Меҳмет Шухубининг фикрича, 1979 йилда мамлакатдаги ишсизлик муаммоси ҳал бўлмайди, балки янада кўпроқ кескинлашади.

НАРХ-НАВО ОШМОҚДА


ЛИМА. Перуда нарх-наво тобора қимматлашиб бормоқда. Миллий статистика институтининг маълумотларига кўра, фақат Октябрь ойида нарх-навонинг 3,96 процент қимматлашди. Йил бошидан бери эса 66,29 процент ошди. Айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур буюмлар, хусусан эркаклар ва хотин-қизларнинг кийим-кечаклари, пойафзаллари нархи ошиб кетди. Шаҳар транспортида қатнаш ҳақи анча қимматлашди.

(ТАСС).

ДЕҲҚОНЛАР МАНФААТИНИ НАЗАРДА ТУТИБ

ҚОБУЛ. Қишлоқ хўжалигини юксалтириш— Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда ҳукумат деҳқонларни қишлоқ хўжалик машиналари билан, ҳимиявий ўғит, олий нав уруғлик билан таъминлаш йўлида шошилинч чоралар кўрмоқда. Кейинги олти ой мобайнидагина,— деб хабар беради БАХТАР агентлиги,—деҳқонларга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 75 процент кўп минерал ўғит сотилди. Заркунандалар билан курашиш учун химикатлар сотиш 20 процент кўпайди.

Афғонистон — аграр мамлакат, аҳолисининг қарийб 80 проценти қишлоқ хўжалиги билан банд. Шунинг учун ҳам Демократик Республика ҳукумати ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунни бажаришга, ерсиз ва кам ерли деҳқонларга ер ажратиб беришга, мамлакат бутун аҳолисининг ер ислоҳотида иштирок этишига катта аҳамият бермоқда.



Эйфель минораси яқингача Парижнинг энг баланд иншоотларидан бири ҳисобланиб, туристлар ана шу минорадан Франция пойтахти манзарасини тамоша қилишар эди. Яқинда унинг рақиби Ж. Помпиду номли Санъатлар маркази пайдо бўлди. Энди туристлар ана шу пўлат иншоотнинг назорат майдончаларидан Парижнинг янгича панорамасини кўздан кечиришлари мумкин.

Кейстон— ТАСС фотоси.

10 справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ж. ХУСНИДДИНОВ, Х. РАҲИМОВ ва бошқалар: Биз шаҳримизда янги телевизион минора қурилаётганлигини эшитиб қолдик. Шу минора қаерда қурилмоқда ва қачон ишга туширилади?

Жавоб: Баландлиги 350 метр бўладиган янги Тошкент телевизион минораси «Победа» боғи этагидаги Анҳор канали бўйида қурилмоқда. Ҳозир бу ерда «Главташкентстрой»нинг 11-«Висотстрой» трести аъзоларини ишлашяпти. Янги минора 1981 йилда фойдаланишга топширилади.

* * *

С. ЯНГИБОЕВ: Эски газеталарни қаердан сотиб олса бўлади?

Жавоб: Ҳар бир «Союзпечать» киоскасида эски газеталар ҳам бўлади. Киоскачилар харид қилинмай қолиб кетган газеталарни бир ой сақлаб туришади, сўнг район «Союзпечать» агентлигига топширадилар.

* * *

А. ГАПИРОВА: Бизнинг 2х3 метрли гиламимизнинг бир бурчаги куйиб қолди. Уни тамир этиб бўладими? Бунинг учун қаерга мурожаат қилиш керак?

Жавоб: Западная кўчасига жойлашган гиламларни тозалаш ва ремонт қилиш устахонасига мурожаат қилинг. Бундан ташқари 53-20-54 телефонига қўнғироқ қилиб, ўзингиз учун керакли бошқа маълумотларни олишингиз мумкин.

* * *

А. МЎМИНОВ: Шаҳримизда хорижий тиллардаги музикаларни грампластинкага ёзиб берадиган овоз ёзиш студияси борми?

Жавоб: Ҳар бир районда марказий овоз ёзиш студиялари жойлашган. Сиз ана шу студияларга мурожаат қилишингиз, ёки бўлмаса Гагарин кўчасида, жойлашган шаҳар «Зангори экран» ательесидаги овоз ёзиш студиясига мурожаат қилишингиз мумкин.

* * *

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ: Мен яқиндан бошлаб сайроқи қўшларга ишқивоз бўлиб қолдим. Уч-тўртта канарейка олиб боқмоқчи эдим. Қаердан сотиб олсам бўлади?

Жавоб: Бунинг учун ҳайвонот боғи ёнига жойлашган «Зоология» магазинига ёки Ленин проспектидаги «Жасорат» монументи яқинига жойлашган магазинга. Октябрь, Олой бозорларидаги магазинларга мурожаат қилинг.

* * *

В. ЭРГАШЕВА: Суньий мўйнадан тикилган буюмларни қаерда тозалатиш мумкин? Шу ҳақда маслаҳат берсангиз?

Жавоб: «Самарқанд» автостанцияси яқинидаги Западная кўчасига жойлашган шаҳар «Химчистка» идорасига мурожаат қилинг.

ҚУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Кўча ҳаракати қоидаларида ҳайдовчи йўлга чиқиш олдидан транспорт воситасини синчиклаб кўздан кечириб чиқиши лозимлиги ёзиб қўйилган. 1025 рақамли «ЛМ—68» трамвайининг ҳайдовчиси Анатолий Зайцев қоидадаги бу талабни унутиб қўйди. У «Юнусобод колхоз бозори» бекатига келганда трамвайни тўхтатди. Лекин вагон бир неча дақиқа ўтмасдан орқа томонга юриб кетди. Уни тўхтатиш учун қилинган барча ҳаракатлар фойда бермади. Катта тезлик билан орқага юриб кетган трамвай М. Герасимов бошқариб келаётган 3136 рақамли бошқа трамвайга келиб урилди. Фақат тасодиф туфайли йўловчиларга зарар етмади. Аммо транспорт воситалари қаттиқ шикастланди. Улар Анатолий Зайцев ҳисобига тузатилди. Энди у трамвайнинг созлигини текширмаганлиги учун Давлат автомобиль инспекцияси маъмурий комиссияси олдида жавоб бериши керак.

▲ ҚАДИМГИ ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЯХШИЛИК ДУРЛАРИ

Ирик мутасаввуф ва файласуф олим Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Ғаззолий (1058—1111) нинг қаламига мансуб бўлган ва 1109 йили ёзилган «Насиҳат ал-мулук» китобида қишиларни яхшиликка чақирувчи насиҳатомуз ҳикоялар кўп. Улардан баъзиларини оқшомхонлар диққатига ҳавола қиламиз.

ХУСРАВИ ПАРВИЗ ВА БАЛИҚЧИ

Хусрави Парвиз (сосоний подшоҳларидан: 590—628) балиқни кўп хуш кўраркан. Кунлардан бир куни у севимли хотини Ширин билан чорбоғдаги кўшкида ўлтирган бир пайтда унинг ҳузурига бир балиқчи кириб келди ва катта бир лаққа балиқни унинг олдига келтириб қўйди. Хусрави Парвиз балиқни кўриб, хурсанд бўлди ва хазиначини чорлаб балиқчига тўрт минг дирҳам бериб юборишни буюрди. Балиқчи пулни олиб, ҳали чорбоғдан чиқмаган ҳам эди, Ширин эрига қараб деди:

— Унга тўрт минг дирҳам бериб яхши қилмадинг.

— Нега? — таажжубланди подшоҳ. Ширин жавоб қилди:

— Яна бирон хизматкорингга бирор хайрли иши учун тўрт минг дирҳам бергудай бўлсанг, «подшоҳ мени ҳам балиқчи қаторида кўрди» деб хурсанд бўлади, борди-ю ундан камроқ бергудай бўлсанг, «мени балиқчи қатори ҳам кўрмади», деб ўкиниши мумкин.

Шунда Хусрави Парвиз:

— Рост, айтдинг, лекин энди вақт ўтди. подшоҳнинг сўздан қайтиши яхши бўлмас, — деди. Лекин Ширин бўш келмади ва эрига деди:

— Бунинг чораси бор, балиқчини қайтар ва ундан: олиб келган балиғинг эркакмиди ёки модамиди?» деб сўра. Агар «эркак», деса, менга модасини келтир, дегин, борди-ю, «мода эди» деса, унда эркагини келтир! — дегин.

Хусрави Парвиз балиқчини қайтартириб келди. Лекин у зийрак ва ақлли одам эди, подшоҳ: «Олиб келган балиғинг эркакмиди ёки модамиди?» деб сўраганда, «эркак ҳам эмас, мода ҳам эмас, балки ҳунаса эди» деб жавоб берди. Подшоҳ балиқчининг ақлу-заковатига қойил қолди ва хазиначига унга яна тўрт минг дирҳам беришни буюрди. Балиқчи хазинадордан яна тўрт минг динорни олиб, ҳамёнига урди ва чорбоғ дарвозаси сари йўл олди. Дарвозага яқинлашганда, бир дирҳам оқча унинг киссасидан тушиб кетди. Балиқчи уни дарҳол олиб кўзларига суртди. сўнг ҳамёнига солди. Хусрави Парвиз билан Ширин уни кузатиб турган эдилар, иккаласи ҳам балиқчининг қилмишидан таажжубландилар.

Ширин Хусравга маънодор қараб ва деди:

— У жуда ҳам очкўз одам экан, бир балиқ учун саккиз минг дирҳам олиб кетаётибди-ю, киссадан тушган бир дирҳамни ҳам кўзи қиймай, ялаб-ясқаб киссасига урди.

Балиқчининг бу қилмишидан Хусрави Парвизнинг ҳам жаҳли чиқди ва хотинига қараб:

— Тўғри айтдинг, у ҳақиқатан ҳам ўтакетган очкўз одам экан, — деди ва балиқчини қайтартириб келиб унга деди:

—Бир балиқ учун саккиз минг дирҳамни олдинг, очкўзлик қилиб тушиб қолган дирҳамга ҳам кўз олайтирганлигингнинг боиси нима?

—Балиқчи подшоҳнинг важоҳатидан чўчимади ва вазминлик билан жавоб қилди:

— Подшоҳимизнинг азиз умрлари узун бўлгай! Ўша дирҳамнинг бир тарафида подшоҳнинг суратн солинган, орқа тарафида эса унинг муборак исмлари ёзилган экан. У оёқ ости бўлгундай бўлса, гуноҳга ботмай, деб уни ердан авайлаб олдим.

Подшоҳ балиқчининг бу жавобидан кўп мамнун бўлди ва хазинадорга: «Балиқчига яна тўрт минг дирҳам бериб юбор!» деб буюрди.

НИМАИКИ ЭКСАНГ, ШУНИ ЎРАСАН

Бухоро шаҳрида бир обкаш (меш билан сув ташувчи) ўтган экан. У қарийб ўттиз йилдан буён бир бадавлат заргарнинг уйига сув ташиб, тиричилик ўтказаркан. У кунлардан бир куни чошгоҳда заргарнинг уйига сув олиб келди. Шу вақт заргарнинг хотини (у жуда ҳусндор ва оқила аёл экан) дарвозахонани супираётган экан. Обкашнинг кўзи ногаҳон унга тушди ва унда кутилмаган бир ҳиссиёт пайдо бўлди. Мешни ерга қўйди-ю, хотиннинг қўлларидан тутиб бир ўпиб олди, сўнг кўчага қараб чопди.

Заргар номозшом вақтида уйига қайтди. Кечки овқатдан сўнг хотин эридан сўради:

— Сен бугун худойи таолло рози бўлмайдиган нима иш қилиб қўйдинг?

Заргар:

— Чошгоҳда бир аёл дўконим олдида тўхтади ва «яхшироқ зирак йўқми?», деб қолди. Мен бир тилло зиракни унга узатдим. Ўша аёлнинг овози майин ва қўллари кўп чиройли экан, ихтиёримни йўқотдим ва қўлларидан тутиб бир ўпиб олдим. Шундан бошқа бирон гуноҳ иш қилганим йўқ.

Хотин мийиғида кулди ва деди:

— Э, парвардигори олам! Бугун иккаламиз ҳам ҳудога хуш келмайдиган бир хил гуноҳ қилиб қўйибмиз. Бугун чошгоҳда одатдагидай обкаш сув олиб келди, лекин хаёлга келмаган ҳунук бир воқеа юз берди. Ўттиз йилдан бери ҳалол хизмат қилиб, бирон марта хиёнат қилмаган одам, бугун мешни қўйди-ю, кўзимга тик қаради, сўнг кўлларимдан тутиб ўпиб олди.

Заргарнинг жаҳли чиқди, лекин хотинини қаттиқ суйганидан ўзини босди, аммо қилмишидан кўп пушаймон бўлди. Улар бир мунча вақт сукут сурдилар, лекин обкаш борасида бирон гап-сўз қотмадилар.

Эртаси куни обкаш яна сув олиб келди ва хотиннинг оёқларига йиқилиб, тавба-тазарру қилди, сўнг бундай деди:

Э, карами кенг соҳиба, мен, қулингни кечир! Кеча мени шайтон йўлдан оздирди, йўқса бундай гуноҳ ишга асло қўл урмас эдим.

Хотин унга тасалли берди:

— Сенда ҳеч қанақа айб йўқ. Шайтон сени эмас, балки эримни йўлдан урган.

Б. АҲМЕДОВ тайёрлаган.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/XI да **Кармен**, 18/XI да **Испан миниатюралари.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/XI да **Қалби олов**, 18/XI да **Тирик мурда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/XI да **Олифта**, 18/XI да **Қизил дуррали нозик ниҳолим.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва цирк артистларининг гастроллари (19.30).**

КИНО

17 НОЯБРДА

«ОКТЯБРЬ ГАПИРАДИ» — **Санъат саройи, ВЛКСМ 30 йиллиги.**
«ПЕКИН — ИНСОНИЯТ ТАШВИШИ» — **Фестиваль.**
«ИШЧИ А. УМАРОВ» — **Мир.**
«ОЛИС ДУНЁ САДОСИ» — **Лунсунов номли.**
«КРАСНОДОНДАГИ МАНГУ АЛАНГА» — **Восток.**
«ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН» — **Дружба.**
«САЛОМ, ПОЙТАХТ!» — **Тинчлик.**
«ПАРИЖ КОММУНАСИДАН ОҚ ТЯБРГАЧА» — **Ғунча.**
«НАЧДИВ АЗИН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**
«ИШЧИЛАР ЭСТАФЕТАСИ» — **С. Раҳимов номли.**
«РУС ХАЛҚИНИНГ ТАЛАНТЛАРИ» — **Қозоғистон.**
«РАССОМ ИЛЬЯ ГЛАЗУНОВ» — **Узбекистон 25 йиллиги.**
«АТТРАКЦИОНЛАР ТУҒИЛАДИГАН УЙ» — **Москва.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

ЖАНУБДАН КЕЛАЁТГАН ТАҲЛИКА» — **Москва, Дружба, Тинчлик, С. Раҳимов номли.**
«ЙЎҚОЛИШ» — **Узбекистон 25 йиллиги.**
«ҚАМАЛ» — **Мир.**
«ЯРОСЛАВ ДОМБРОВСКИЙ» — **Лисунов номли.**
ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Навоий номли, Узбекистон 25 йиллиги, Чайка, Кўкча, Пионер, Ғ. Ғулом номли, Нунус, Ғунча, Москва, ВЛКСМ 30 йиллиги, Восток.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ТЕХСЛОЖБИТРЕМОНТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

17 НОЯБРДАН БОШЛАБ

пойтахт аҳолисидан заргарлик буюмларини тайёрлаб бериш ва уларни ремонт қилиш бўйича

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Зарур ҳолларда ҳар бир буюртмага 1 граммигача тилла қўшилади.

Савдода мавжуд тиллани буюртмага қўшишни расмийлаштириш учун буюртмачининг ёнида албатта паспорти бўлиши зарур.

583⁰ пробали 1 грамм тилланинг баҳоси — 27 сўм 14 тийин.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

1 ДЕКАБРДАН 31 ДЕКАБРГАЧА

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/XII да — **Травиата.**
2/XII да — **Севги ҳақида қисса.**
3/XII да **Доктор Айболит** (12.00), **Кармен** (премьера, 19.00).
5/XII да — **Тоҳир ва Зуҳра.**
6/XII да — **Оламнинг яратилиши** (премьера).
7/XII да — **Пиковая дама.**
8/XII да — **Афсоналар водийсида.**
9/XII да — **Маърифат қурбонлари** (премьера).
10/XII да — **Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00, премьера). **Анна Каренина** (19.00).
12/XII да — **Майсарани нг иши.**
13/XII да — **Испан миниатюралари.**
14/XII да — **Борис Годунов.**
15/XII да — **Севги тумори.**
16/XII да — **Риголетто.**
17/XII да — **Князь Игорь** (12.00), **Бир актли балетлар** (19.00).
19/XII да — **Масхарабозлар.**
21/XII да — **Дилором.**
22/XII да — **Жизель.**
23/XII да — **Флория Тоска.**
24/XII да — **Этик кийган мушук** (12.00).
26/XII да — **Дон Карлос.**
27/XII да — **Оққуш кўли.**
28/XII да **Сўғд элининг қоплони.**
29/XII да — **Спартак.**
30/XII да — **Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00, премьера), **Испан миниатюралари** (19.00).
31/XII да — **Доктор Айболит** (12.00), **Севги ҳақида қисса** (19.00).

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
Театр кассаси соат 11.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Телефон 33-90-81.

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

РАДИОАППАРАТУРАЛАР ВА ПРИБОРЛАР МОНТАЖЧИСИ ВА РЕГУЛИРОВКАЧИСИ, ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ ПРИБОРЛАР ВА ИНТЕГРАЛ МИКРОСХЕМАЛАР ИШЛОВЧИСИ, ВАКУУМ-ЧАНГЛАТГИЧЛИ ПРОЦЕССЛАР ОПЕРАТОРИ, ГАЛЬВАНО-ТЕХНИК.

Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофида яшовчи, 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 8-синф маълумоти билан — 1—2 йил, 10-синф маълумоти билан 1 йил.

Ўқишга қабул қилинган ўрта маълумотли ёшлар 30 сўмдан 40 сўмгача стипендия билан, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси мобайнида ўқувчилар 33 процент иш ҳақи билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари зарур: ариза, автобиография, маълумоти тўғрисида ва туғилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, медицина справкаси (286-форма) ота-онасининг иш жойидан ва турар жойидан справкалар, 6 та фотосурат (4х6 см.).

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.

Қабул комиссияси якшанбадан ташқари ҳар куни 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Адрес: 700005. Тошкент шаҳар, Весна кўчаси, 17-уй (1,5-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати), Тошкент шаҳар. Халқлар дўстлиги кўчаси, 29-уй, «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси).

НОН! УНИ УВОЛ ҚИЛМАНГ!

Нон — ернинг энг табаррук тортиғи, инсон меҳнатининг меваси, ҳаёт, инсоний қувонч манбаидир.

Нозик ям-яшил ниҳолнинг бошоққа, сўнгра иссиқ ва тотли нонга айланиши учун озмунча меҳнат ва вақт сарф бўладими.

Нонсиз биз ҳатто бир кун яшай олмаймиз. Халқ «нон — ризқ-насиба» деб бекорга айтмайди. Ҳатто мамлакатимиз гербида ҳам олтин бугдой бошоғи тасвир этилган. Бу она тупроғимиз бойлиги, унинг ҳосилдорлиги, қут-баракаси рамзидир.

...Оқ нон, қора бугдой нони, кулча нон, булкалар, батонлар, тешик кулчалар, бурама нон ва бошқалар. Албатта унисини ҳам, бунисини ҳам тановул қилгинг келади. Аммо, заруратга яраша. Шундай ҳам бўладн: нонинг суви қочиб қолса биз янгисини сотиб олиш учун магазинга йўл оламиз. Ўйламай-нетмай, кечагисини чиқиндига қўшиб ташлаб юборамиз.

Ҳурматли харидорлар! Нонни асранг! Ундан тежаб-тергаб, ўзингизга зарур миқдорда фойдаланинг!

Нон ва нон маҳсулотлари сотилаётган кўпгина магазинлар ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи асосида ишлайди. Бу методнинг афзаллиги шундаки, бунда харидорлар ўзларига зарур нарсаларни ўзлари танлай оладилар. Аммо, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш методи санитария-гигиена нормаларига алоҳида қатъий риоя этишни талаб қилади.

Чунки нон сотиб олишдан аввал бир неча буханкаларни қўл билан ушлаб кўрамиз. Ахир, нон — бу тайёр маҳсулот, у ҳеч қандай қўшимча ишлов беришсиз ошқозонингизга тушади. Нонни қўл билан ушлашимиз билан баъзи вақт бошқаларга юқумли касалликлар юқтирамиз.



Ҳурматли харидорлар! Нон танлаш ва уни сотиб олиш вақтида санитария қоидаларига қатъий риоя қилинг. Нонни фақат вилка ёки махсус қоғоз бўлакчаси билан олингиз. Улар ҳар қандай нон магазинида топилади.

Қоғоз бўлмаса, уни албатта сотувчидан талаб этинг!

Санитария-гигиена қоидаси донали нонни икки ва тўрт қисмга бўлишни рухсат этади. Бу жуда осон: уй бекаси оила учун зарур бўлган нонининг маълум қисмини олади.

Нон олдиндан қирқилган ва махсус ажратилган хонтахтага жойлаштирилиши лозим. Бироқ, кўпгина магазинларда бу муҳим санитария-гигиена шартларига риоя қилинмайди, нон тўғридан-тўғри касса аппарати ёнида ётади. Уни сотувчи-кассир бўлакларга қирқади. Бу яна унинг ифлосланишига олиб келади.

Ҳурматли нон-булка маҳсулотлари магазинларининг сотувчилари!

Нон сотиш вақтида санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этингиз.

Эсингизда бўлсин, ҳисоблаш-кассаси ёнида қирқилган нон юқумли касаллик манбаи бўлиши мумкин!

Харидорлар! Нонлар алоҳида ажратилган столларда қирқилиб пештахталарга жойлаштирилишини доим талаб қилингиз!

САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

физкультура ва СПОРТ

▲ ҚУЙИ ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ИШТИЁҚ БЎЛСА

Мусобақалар хроникаси

Тошкентда теннис бўйича Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг анъанавий шахсий-команда биринчилиги бўлиб ўтди. Беллашувларда Москва, Олмаота. Уфа, Душанбе. Донецк шаҳридан келган спортчилар, «Зенит», «Буревестник», «Динамо», «Спартак», «Локомотив», «Меҳнат», «Ёш куч» кўнгилли спорт жамиятларининг командалари иштирок этдилар. 90 спортчи ғолибликни қўлга киритиш учун баҳс юритди.

Команда ҳисобида биринчи ўринни республикамиз кўнгилли студентлар жамиятининг вакиллари эгалладилар.

Шахсий ҳисобда ўтказилган баҳсларда ҳам шу жамият аъзолари яхши қатнашдилар. Айниқса Тошкент Давлат университети студенти В. Колесниченко катта муваффақиятни қўлга киритди. У якка разряд, жуфт разряд ва аралаш разрядлар баҳсида ҳам ғолиб чиқиб, биринчиликнинг мутлақ чемпиони номини қўлга киритди.

∴ ∴ ∴

Наманганда ўсмирлар ўртасида волейбол бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. Бу беллашувларда республикамиз пойтахтининг икки командаси иштирок этди. Барча учрашувларни ғалаба билан якунлаган Тошкентдаги «Ёш куч» спорт жамиятининг вакиллари республика чемпиони бўлдилар. Пойтахтимиздаги «Меҳнат резервлари» спорт жамиятининг вакиллари эса совриндли учинчи ўринни эгаллашди.

∴ ∴ ∴

Афғонистоннинг баскетбол ва волейбол командалари республикамизда бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказишди. Меҳмонларнинг волейболчилари олти учрашувнинг ҳаммасини бой беришди. Улар сўнгги учрашувни Тошкент шаҳри терма командаси вакиллари билан ўтказадилар. Ўйин ниҳоятда кескин вазиятда ўтди. Меҳмонлар республикамизда бўлган учрашувларда маҳорат оширгани-ликларини намойиш қилишди. Бир ярим соат давом этган ўйин тақдири бешинчи партияда ҳал бўлди. Ҳамшаҳарларимиз ғалаба қилдилар.

∴ ∴ ∴

СССР Альпинизм федерацияси ВЛКСМнинг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган альпинизм бўйича мамлакат чемпионати натижаларини кўриб чиқди ва тасдиқлади. 7495 метр баландликдаги Коммунизм чўққисига кўтарилган республикамиздаги «Меҳнат» жамиятининг командасига иккинчи ўрин берилди. Бу команда составида тошкентлик А. Путинцев, В. Воронин, Г. Калининлар ҳам бор эди.

Биз бундан уч йил муқаддам 1-уйсозлик комбинатида бўлганимизда физкультура ва спорт ишлари қандай йўлга қўйилганлиги билан қизиққан эдик. Касаба союз ташкилоти ва комсомол комитетидаги масъул ходимлар билан корхона территориясида спорт майдончалари, югуриш йўлкалари қуриш мумкин бўлган бўш жой қидириб кўрган эдик. Лекин, бу борада бирон бир хулосага келаолмагандик.

Ҳаммага маълумки, қўл қовуштириб ўтирган билан иш юришмайди. Изланиш, интилиш бўлса ҳар қандай муаммо ҳал қилинади. Корхона физкультурачилари шу усулга амал қилишди. Улар инструктор М. Черняев бошчилигида йиғилишиб, корхона оталиғидаги 212-мактабга боришди. Бу ердаги мавжуд спорт майдончаларини тартибга келтириш, жиҳозлашда кўмаклашдилар. Мактаб маъмурияти ишчиларнинг истакларига қаршилик кўрсатмади, спорт майдончаларида машғулот ўтказишларига рухсат берди. Шундай қилиб, мактабдаги спорт майдончалари ва югуриш йўлкаларида эртадан кечгача машғулотлар ўтказиладиган бўлиб қолди.

Корхона физкультура коллективида баскетбол, волейбол, футбол, стол тенниси, шахмат, шашка секциялари ташкил қилинди. Оталиқдаги мактабдаги ўқув машғулотларини ҳисобга олинган ҳолда машғулотлар программаси ишлаб чиқилди. Кейинчалик эса комбинат спартакиадаси ўтказиш йўлга қўйилди. Шу йилнинг август ойида, яъни қурувчилар кунида ўтказилган спартакиада баҳсларида ишчилар спортнинг ўн тури бўйича куч синашдилар. Аввал бригада, смена ишчилари, цех терма командаси сафига кириш ҳуқуқи учун беллашдилар. Кейин цех коллективлари ғолиблик учун курашдилар.

Қолиплаш цехининг ишчилари энг юксак натижага эришиб, спартакиада чемпиони унвонини қўлга киритишди.

Жисмоний тарбия ишларини йўлга қўйилиши, аниқ график асосида машқлар ўтказиш туфайли корхона физкультура коллективининг натижалари ҳам яхшиланиб борди. Жумладан, корхона спортчилари ўтган йили Бухоро шаҳрида қурилиш ташкилотлари ва бўлимлари ишчилари ўртасида ГТО кўпкураши бўйича ўтказилган мусобақаларида иштирок этишди. Машқларда чиниқиш, шу ерда иш берди. Республикамиздаги қурилиш ташкилотлари физкультура коллективлари орасида корхона спортчилари учинчи ўринни эгаллади.

Хулоса қилиб айтганда корхонадаги физкультура ва спорт жонкуярлари ишни йўлга қўйиш, спорт билан шуғулланишни ишчиларнинг иккинчи касбига айлантириш учун изланишни давом эттиришмоқда.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ОЗАРБАЙЖОН ССР. Республика пойтахтида ёлканли кема спорти билан шуғулланиш учун кенг имконият мавжуд. Бу ерда ташкил этилган бир неча яхт-клублар юзлаб спорт ишқибозларини бирлаштирган.

Шанба ва дам олиш кунлари минглаб ўқувчи ва профессионал-техника билим юрти талабалари, студентлар ва ишчилар ўз оналари билан денгиз спорт базаси томон йўл оладилар. Бу ер ҳамма вақт ҳам спортчилар билан гавжум бўлади. Улар Бутуниттифоқ ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларга тайёргарлик кўришади.



СУРАТДА: денгизда «470» классли яхта экипажи, профессионал-техника билим юрти талабаси Валерий Земляков (чапда) ва физкультура институтининг студенти Игорь Кочетновлар.

ТАСС фотохроникаси.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

17 НОЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Олтин эшак». Мультфильм. 19.05 Ереван Давлат консерваторияси камер хорининг концерти. 19.20 «Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги». КПСС Ставрополь ўлкаси Ипатово район комитетининг биринчи секретари В. В. Калагин билан суҳбат. Кўрсатувни — сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. 20.05 М. Мусоргский. «Кўргазмадаги манзаралар». Халқаро конкурслар лауреати И. Петров ижро этади (фортепьяно). 20.40 «Камилла». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия (Италия). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Ёш ижрочиларнинг Бутуниттифоқ телевизион конкурси. 23.30 «Ўтмиш тилини англа». Ҳужжатли фильм. 23.50 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Красноярск ешлиги». Болалар учун телевизион фильм-концерт. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». Жаҳон студентлари кунига бағишланган кўрсатув. 18.45 «Кўл ва дарёлардаги ҳазина». 19.15 «Аҳборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». 20.30 «Аҳборот» информацион программаси. 20.50 М. Ашрафий. «Дилором». Самарқанд Давлат опера ва балет театрининг спектакли. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 М. Ашрафий. «Дилором». Самарқанд Давлат опера ва балет театрининг спектакли (давоми). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

18 НОЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Москва ҳайвонот боғида». 10.25 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.55 «Советлар ва ҳаёт». 11.25 «Тонги почта». Музикали программа. 11.55 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». XVIII аср француз живописи. 2-кўрсатув. 12.25 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 12.55 «Спорт-лото» тиражи. 13.10 «Здоровье» программасининг почтаси. 13.55 «Оловли яллар қўшиқлари». 14.15 «Сени қизиқтирган китоблар». 15.05 Болалар учун. «Дўстим Колька». Бадиий фильм. 16.30 «Ердаги инсон». Қишлоқ ҳужалик ходимлари ҳақида кинопрограмма. 17.30 «Никарагуа: Халқ зулмга қарши», «Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Дружинин олиб боради. 18.00 «Днепрянка» бандуристлар триосининг концерти. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ҳайвонот оламида». 19.45 «Вива, Россия!». Фильм-операнинг премьераси. (А. Петровнинг «Петр I» операси ҳодимлари асосида). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Театр ҳақида ҳикоялар». 22.45 Татаристон АССРда хизмат кўрсатган артист Р. Ибрагимов куйлайди. 23.20 «Тарих-нинг мовий ипи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.55 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари куйларининг анъанавий фестивали. (Самарқанддан трансляция пайтида ёзиб олинган). 12.25 «Шариат мухлисларига». Ж. Камол. А. Эшонов. 12.45 «Майор Бўрон». Бадиий фильм. 1-серия. 14.15 «Ўзбекистон спорти». 14.45 «Кинокўзгудаги хаёт». 15.30 Классик кураш. Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал С. Рахимов хотираси совриғи учун Бутуниттифоқ VII анъанавий мусобақалар. «Ёшлик» спорт аренасидан репортаж (17 ноябрда ёзиб олинган). 17.30 Кўрсатувлар программаси.

17.35 «Алдар Кўса ва бой». Болалар учун мультфильм. 17.45 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.15 «Унинг номи билан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. («Ўзбектелефильм»). 18.45 «Ота-оналар университети». 19.15 «Аҳборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Севги ҳақида йигирма ва бонг ҳақида бир қўшиқ». «Наврўз» вокал-чолғу ансамбли, «Садо» вокал группаси ва «Ритм» рақс группаси ижросида концерт. 20.30 «Аҳборот» информацион программаси. 20.50 «Тўй тароналари». «Қувонч оҳанглари». Телевизион фильм-концертлар. («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Муқаддима». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

18.00 —21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

17 НОЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ГАШКЕНТ») — орган Гашкентского горкома КП Узбекистана и Гашгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-58-81; аҳборот — 33-28-95. спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-61-42. 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг нашриёт диспетчери назоратчилари — 33-90-50.

Р. 07916.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1460.